

**ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ АГЕНТЛИГИ ВА ТИЗИМ
ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА
МАЪЛУМОТ**

2021 йил 12 ой (январ-декабр)

СТАНДАРТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА

Халқаро талаблар билан уйғунлашган 7763 та стандартлар қабул қилиниб, 7 968 таси қайта кўриб чиқилди. Натижада стандартлар сони 19543 тага етказилди (80,4 %). *Маълумот учун: қурилиш соҳасида (2264 та), металлургия (833 та), тўқимачилик ва чарм (638 та), ахборот технологиялари ва телекоммуникация (1124 та), нефть ва газ (1354 та), электротехника (1467 та), кимё технологиялари (1254 та), озиқ-овқат саноати (1643 та) ва бошқа соҳаларда (6852 та) стандартлар халқаро талаблар билан уйғунлаштирилган.*

**СТАНДАРТЛАР ВА ЎЛЧОВЛАР ЯГОНА БИРЛИҚДА БЎЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ
БЎЙИЧА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ СОҲАСИДА**

Жорий йилнинг январь-декабрь ҳолатига 13770 та корхонада профилактика тадбирлари ўтказилди. Натижада, 5021 та корхона 12587 та меъёрий ҳужжат билан таъминланди. 983 та корхонанинг 6547 та ўлчаш воситалари давлат қиёслаш кўригидан ўтказилишида ҳамда 530 та корхонага сертификатлаштириш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Профилактика тадбирлари давомида ўрганилган корхоналарнинг раҳбарлари ва мутахассислари соҳага оид барча қонун ва қарорлар билан таништирилди.

ЎЛЧАШЛАР ЯГОНАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА

Жорий йил январь-декабр ҳолатига 610 703 дона ўлчаш воситалари (шулардан 8 061 дона ўлчаш воситаси яроқсиз деб топилган) метрологик текширувдан ўтказилди.

Кўрсатилган метрологик хизматлардан 565 376 дона қиёслаш, 25 969 дона аттестация ва 11 297 дона калибрлаш ишларини ташкил этади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг 231 419 та мурожаатларига асосан электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) қиёслаш ишлари амалга оширилди.

Ўлчаш воситаларининг метрологик текшируви натижалари ва тасдиқланган турини тан олиш бўйича 96 дона сертификатлари расмийлаштирилди.

Шунингдек, турини тасдиқлаш мақсадида 27 турдаги ўлчаш воситалари давлат синовларидан ўтказилди.

МУВОФИҚЛИКНИ БАХОЛАШ СОҲАСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Миллий сертификатлаштириш тизимида жорий йилнинг январь-декабрь ҳолатига 157 073 та мувофиқлик сертификати расмийлаштирилди, шундан, 1 120 та мувофиқлик сертификати 1 календарь йилига шартнома асосида расмийлаштирилди, серияли ишлаб чиқаришга 9 443 та мувофиқлик сертификати расмийлаштирилди.

Шунингдек, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тизим ташкилоти “UzTest” ДМ томонидан 34 538 та мувофиқлик сертификати расмийлаштирилди, шундан 341 та мувофиқлик сертификати 1 календарь йилига шартнома асосида расмийлаштирилди, 4 527 та тадбиркорлик субъектларига серияли ишлаб чиқаришга сертификатлар расмийлаштириб берилди.

МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ СОҲАСИДА

Жорий йил январь-ноябрь ҳолатига 813 та корхонада 1014 та сифат менежмент тизимлари бўйича сертификатлар расмийлаштирилган, шундан:

375 та корхона сифат менежмент тизимлари (ИСО 9001);

149 та корхона экологик менежмент тизимлари бўйича (ИСО 14001);

42 та корхона озиқ-овқат ҳавфсизлиги менежмент тизимлари (ИСО 22000);

28 та корхона энергетик менежмент тизимлари (ИСО 50001);

103 та корхона касб-ҳунар, соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик менежмент (ИСО 45001) ва бошқа 317 та менежмент тизимлари бўйича сертификатлаштирилди.

Сифат менежмент тизимлари бўйича сертификатлаштириш 17 та аккредитланган органлари томонидан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, 45 та фермер хўжаликларида 7785 гектар майдонда халқаро “Global G.A.P.” ҳамда “Organic” стандартлари жорий қилиниб, сертификатлаштирилган ер майдонлари 11 966 гектарга етказилди.

Шунингдек, енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи 52 та корхонада “Оеко-тех” халқаро стандарт талаблари асосида маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ СОҲАСИДА

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директорининг 2015 йил 28 августдаги 472-сон буйруғи билан тасдиқланган Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва унинг тизим ташкилотларида кадрлар захирасини шакллантириш тўғрисида”ги Низомга асосан марказий аппарат ва тизим ташкилотларининг ҳар бир бошқарув таркибидаги лавозимларига кадрлар захираси малакали мутахассис кадрлар ҳисобидан дастлабки кадрлар захираси шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва унинг тизим ташкилотларида бакалавр ва магистр даражасига эга кадрларга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги маълумотлар <http://quota.idm.uz/> дастурига киритилди.

“Ягона миллий меҳнат тизими” (“ЯММТ” ИДАК) идоралараро дастурий аппарат комплексига агентлик ходимларини меҳнат фаолияти ҳақидаги маълумотлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига “Давлат хизматчиси тести” дастурини такомиллаштириш мақсадида соҳага оид 200 та тест саволлари ўзбек ва рус тилларида электрон шаклда белгиланган йўриқномага асосан юборилиши таъминланди.

“Янги Ўзбекистон–янги Ренессанс сари” шиори остида Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тизимидаги ўз билими, салоҳияти, ташаббускорлиги,

инновацион ғоялари билан мамлакат тараққиётига ҳисса қўшаётган иқтидорли ёшлар билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси, Ёшлар Парламенти аъзолари ва Ёшлар ишлари Агентлиги вакилларининг мотивацион учрашувини ўтказилиши ташкиллаштирилди.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг 3 курс талабалари ҳамда Тошкент давлат техника университети 1, 2, 3, 4-босқич талабалари ва Тошкент кимё технология институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Қишлоқ Хўжалиги вазирлиги Тошкент Давлат Аграр университети ҳузуридаги Зангиота Агротехнологиялар техникуми, Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент Давлат транспорт университетларининг 656 нафар талабалари агентлик ва унинг тизим ташкилотларида малакавий амалиёт ўтказишларида амалий ёрдам кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони билан давлат бошқаруви органлари ходимларининг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ва малакаларини ошириш мақсадида, Агентликнинг 45 нафар ходимлари “Рақамли технология ва дастурий маҳсулотлардан самарали фойдаланиш” онлайн малака ошириш ўқув курсларида иштирок этилиб, сертификатлар олинди.

Агентлик ҳузуридаги Стандартлар институтида 3538 нафар ходимлари малака ошириш курсларида ўқидилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги” эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги 2021 йил 24 майдаги ПФ-6234-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан Агентлик ва тизим ташкилотлари ҳамда ҳудудий филиаллар раҳбар ва мутахассислари тақдирландилар.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК СОҲАСИДА

Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган ва Халқаро савдо маркази (ITC) томонидан амалга оширилаётган “Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишига кўмаклашиш” лойиҳаси доирасида ISO стандартлари (17065, 17025, 9001, 14001, 45001, 50001) бўйича 220 та;

Россия техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология федерал агентлиги (Росстандарт), Беларусь Давлат стандартлаштиришқўмитаси (Госстандарт), Хитой Автомобил технологияси ва тадқиқот маркази (CATARC) билан ҳамкорлик доирасида 50 та;

Европа Комиссиясининг Техник ёрдам ва ахборот алмашуви (TAIEX) воситаси кўмаги доирасида 20 та;

Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган ва Халқаро савдо маркази (ITC) томонидан амалга оширилаётган “Марказий Осиё савдога тайёр” (Ready 4 Trade Central Asia) лойиҳаси доирасида 10 та;

Hilfswerk International (Австрия) кўмагидаги “Ўрта Осиёда агробизнес ва савдони соддалаштиришда кичик ва ўрта корхоналарнинг

рақобатбардошлигини ошириш учун минтақавий интеграция ва салоҳиятни ошириш” (CANDY V) лойиҳаси доирасида 10 та;

Micro solutions LLP (Қозоғистон) ҳамкорлиги доирасида 30 та;

Жаъми давлат ва хусусий секторда фаолият кўрсатаётган 320 та мутахассис билим ва малакаси оширилди.

Маълумот учун, тадбирларга хорижий экспертлар Алекс Езрахович (Австралия) Морин Логге (Бельгия), Сперанта Стомфф ва Андрея Йорга (Руминия), Даниэла Миланова Горчева (Болгария), Бутырев Юрий Иванович (Россия), Аронов Иосиф Зиновьевич (Россия), Эмре Киричиоглу (Туркия), Далидович Наталья Владимировна (Беларусь), Рашит Галлямов (Қозоғистон) жалб этилди.

16 та миллий техник қўмита халқаро ҳамда хорижий техник қўмиталар аъзолигига эга бўлди.

Корхонабай ишлаш тизими бўйича вилоятлардаги ишлаб чиқариш корхоналарида техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, “СЕ” маркировкаси, шунингдек маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, экспортда кўмаклашиш мақсадида “SAM NUR TAFVIZ” ҚК МЧЖ, “Grand Tehnolog” ҚК МЧЖ, “O'z Kodji” ҚК ММЧЖ, “VISTA ELECTRONICS GROUP” МЧЖ, “TRINITY TECHNOLOGY” МЧЖ, “FOOD MAXX” МЧЖ корхоналарида учрашувлар ва ўқув-семинарлар ўтказилди.

23 та корхонада Европа Иттифоқи мамлакатларида талаб этиладиган “СЕ” маркировкаси олиниши таъминланди.

Маълумот учун: “Quality Device” МЧЖ, “Sayidbek Muhayyo Savdo” ХК, “Soft Care Hygiene” МЧЖ ҚК, “Техускунасаздо” МЧЖ, “Medprotechnology” ХК, “JNS Labs Llc” ҚК, “Climat Solutions” МЧЖ, “Car Wash Service” МЧЖ, JE LLC “Next Ceneration Produkt”, “Cotton Textil” ЛТД, “Kontekc Tashkent” МЧЖ, “Big Prom Service” МЧЖ, “Fazo Lux” МЧЖ, “Истиклол” МЧЖ, “Mega Invest” МЧЖ ҚК, “Vista Electronics Group” МЧЖ ҚК, “Techno Cable Group” МЧЖ ҚК, “Trinity Technology” МЧЖ ҚК, “Kubro Tekstil Sanoat” МЧЖ, “Pure Max Trade” МЧЖ, “Child toys corporation” МЧЖ, Гранд-технолог МЧЖ, “Сам Нур Тавфиз” МЧЖ.

Кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида:

Покистон Стандартлар ва сифатни назорат қилиш идораси билан маҳсулотлар мувофиқлигини баҳолаш, стандартлаштириш, метрология ва техник ёрдам соҳаларини ўзаро тан олиш бўйича Битим;

Ҳиндистон стандартлар бюроси (BIS) билан маҳсулотлар мувофиқлигини баҳолаш натижаларини ўзаро тан олиш тўғрисида Битим;

Саудия Арабистони Қироллигининг Стандартлар, Метрология ва Сифат ташкилоти (SASO) билан Техник ҳамкорлик дастури;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, мувофиқликни баҳолаш, аккредитация ва метрология соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида Битим;

Беларусь Давлат стандартлаштириш қўмитаси билан Ҳамкорлик дастури;

Европа Электртехника Стандартлаштириш Қўмитаси (CENELEC) билан лицензия келишуви имзоланди.

Ҳиндистон, Покистон, Саудия Арабистони Қироллигида импорт талаблари ўрганилди ва тадбиркорларга етказилди.

Халқаро ҳамкорлик доирасида АҚШнинг ASTM International ташкилотидан нефт-газ соҳасига оид 41 та, Европа Электртехника Стандартлаштириш Қўмитаси (CENELEC) дан электртехникага оид 200 та, Европа Стандартлаштириш ташкилотидан 198 та стандарт олинди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)га аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарларининг 2020 йил 29 майдаги “Маҳсулотлар ва хизматлар сифати соҳасида эришган ютуқлари учун МДҲ мукофоти танлови”ни ўтказиш тўғрисидаги Қарори ва Давлатлараро стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш кенгаши (МГС)нинг 57-йиғилиши Баёни ижросини таъминлаш мақсадида илк бор Ўзбекистоннинг 2 та корхонаси “Indorama Kokand Textiles” (Фарғона вилояти) ва “AGROMIR” (Самарқанд вилояти) танловда иштирок этди. Танловда Ўзбекистон корхоналари билан бирга Россия Федерация, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон корхоналари иштирок этишди ва Танлов комиссиясининг тавсиясига мувофиқ мамлакатимиз корхоналари (100 % натижа) финал босқичига йўл олди.

МАҲСУЛОТЛАРНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШГА КЎМАКЛАШИШ СОҲАСИДА

“Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси” томонидан жорий йилнинг 12 ойи мобайнида корхоналарга 1781 та, шундан стандартлаштириш – 799 та, метрология – 104 та, сертификатлаштириш – 388 та, қадоқлаш ва ёрлиқлаш – 42 та, сифат менежмент тизимлари масалалари – 284 та ва бошқа масалаларда – 164 та консултатив хизматлар кўрсатилди.

127 мартаба семинар-тренинглари, 82 та телевиденияда чиқишлар, газета ва журналларда 97 та мақолалар чоп этилди.

Шу билан бир қаторда, ҳудудларда жойлашган 112 та тумандаги 774 та корхоналарнинг 95 турдаги маҳсулотларини дунёнинг 37 та мамлакатларига экспорт қилинишида амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2-июндаги Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-5133-сон Қарори ҳамда ушбу санадаги Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисидаги ПҚ-6240-сон Фармонда берилган имтиёзлар ва ўзгаришлар ҳақида ҳудудлардаги 1645 та корхонада тушунтириш ишлари олиб борилди.

Республикамизнинг маҳаллий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи корхоналарида миллий ва халқаро стандартлар жорий этилганидан кейинги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бўйича сўровнома ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги - 146 та, Андижон - 184 та, Бухоро – 202 та, Жиззах – 128 та; Навоий – 139 та, Наманган -194 та, Қашқадарё – 137 та, Самарқанд – 338 та, Сурхандарё – 151 та, Сирдарё – 163 та, Хоразм – 205 та, Фарғона -223 та, Тошкент вилояти - 282 ва Тошкент шаҳридаги – 372 та корхоналарда, жами - 2882 та, шундан 712 та корхоналарда электрон тарзда, 2170 та корхоналарда бевосита суҳбат ўтказилди.

Сўровнома натижаларининг республика тармоқлари бўйича таҳлили ўтказилганда:

Тўқимачилик ва енгил саноат соҳасида – 797 та;

Электротехника соҳасида – 100 та;

Кимё соҳаси – 165 та ;

Металлургия ва машинасозлик – 127 та;

Озиқ овқат соҳасида - 945 та;

Қурилиш соҳасида – 390 та ;

Хизмат кўрсатиш соҳасида – 226 та;

Бошқа соҳалар кесимида - 132 та фаолият юритувчи корхоналарда сўровномалар ўтказилган.

Корхоналардаги сўровнома натижаларига кўра:

22 % корхоналарда - ишлаб чиқариш ҳажми ортган;

18 % корхонада - экспорт географияси кенгайган;

8 % корхонада - ишлаб чиқариш харажатлари камайган;

26 % корхонада - маҳсулот сифати яхшиланган;

22 % корхонада - меҳнат унумдорлиги ортган;

4 % корхонада хорижий ҳамкор талаби бажарилганлигига эришилган.